

# Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича малакалари оширилмоқда

// 03.07.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/hodimlarning-korrupciyaga-qarshi-kurashish-buyicha-malakalar>

Ходимлар томонидан коррупцияга оид хабарлар кўриб чиқишнинг самарали ташкил этиш масалалари

30 сент, 30 may, 2025 - 31-dek, 2025

Мазмун Кўшимча материаллар Ўқув материаллари Форум

2. Коррупция ҳақида хабар бериш тартиби

Холатни қайд этиш (расм, видео ва бошқа материаллар)

Алоқа қамаллини тавлаш (телефон, қандаш, шакли, телефон, электрон почта)

Ўшма шакли, телефон орқали ёки электрон шаклда мураккабли (хизмати) юзбериш


• Ўшма шакли кўрсатиш, воқеа вақти ва жойи, қилиш маълумотлар қилишнинг тавсия этилади;

Мураккабли қабул қилинади.

• Ўшма хабарлар ҳам қабул қилинади, лекин текшириш имкони бўлса.

Оралиқ назорат  
30.05.2025 00:00 - 31.12.2025 23:00  
196:11:45:47


“Ўзкимёсаноат” АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс тизимлари ходимларидан иборат 21 нафар мутахассис Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган махсус ўқув курси орқали ўз малакаларини оширдилар.




“Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимининг самарали ишлашини таъминлаш” мавзусидаги ўқув курслари 10 кун давомида Коррупцияга қарши виртуал академия портали орқали олиб борилди.

Ўқув давомида ходимлар коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги назарий билимлар билан бирга амалий кўникмалар, яъни коррупция ҳолатларини аниқлаш, таҳлил қилиш, олдини олиш ҳамда самарали курашиш бўйича амалий кўникмаларга ҳам эга бўлдилар.





Бу эса ўз навбатида ходимларнинг ўзлари фаолият юритаётган корхоналарда коррупцияга қарши кураш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишларига хизмат қилади.



**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**